



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 93 (12.906)

Баҳоси эркин нарҳда

ИСЛОМ КАРИМОВ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ЭТИБ САЙЛАНГАНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ҚУТЛОВЛАР

Мамлакатимизда 2015 йил 29 март куни бўлиб ўтган сайловда Ислон Каримов Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайлангани муносабати билан хорижий давлатлар ва ҳукуматлар, халқаро ташкилотлар ва ётакчи компаниялар раҳбарлари, хорижий мамлакатларнинг таниқли жамоат арбоблари номидан самимий тилаклар билдирилган қутловлар келиши давом этмоқда.

Жумладан:
Финляндия Республикаси Президенти – Саули Нийнистё
Руминия Президенти – Клаус Вернер Йоханнис
Малайзия Бош вазири – Датук Сери Мохд Ножиб Тун Абдул Раззоқ
Буюк Британия ташқи ишлар вазири – Филип Хэммонд
Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти Бош котиби – Ламберто Заньер
Бельгия парламенти сенатори, «Бельгия-Ўзбекистон» парламентларо ҳамкорлик гуруҳи раиси – Аллен Дестекс
«Максам» компанияси раиси ва ижрочи директори – Хосе Фернандо Санчес-Хунко
«Шиндонг Ресорсиз» компанияси президенти – Ким Ёнг Гу
«Сожи Корпорейшн» президенти ва бош ижрочи директори – Йожи Сато
«Тойота Цусё» корпорацияси раиси – Жунзо Шимизу
«Мицуи ва Ко.» президенти ва бош ижрочи директори – Татсуо Ясунага
табрик йўллаган.

Қутловлар келиши давом этмоқда.

Ёшларга оид давлат сиёсати – амалда



БУЮК АЖДОДЛАРГА МУНОСИБ АВЛОД

Бугунги кунда ҳаётга катта орзу-мақсадлар билан кириб келаётган, мустақил фикрлайдиган, замонавий билим ва касб-хунарларни пухта эгаллаган, азму шижоатли, Ватанимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшишга қодир ёшларимизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш долзарб вазифадир.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида Республика Маънавият тарғибот маркази ва бошқа қатор ташкилотлар ҳамкорлигида «Буюк аждодларга муносиб авлод бўлайлик!» деб номланган тадбирда шу хусусда сўз юритилди.

Мамлакатимизда навқирон авлодни соғлом ва баркамол инсонлар этиб вояга етказиш учун барча зарур шарт-шароит яратилган. «Тайим тўғрисида»-ги қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва бошқа қатор ҳужжатлар ўғил-қизларга замонавий таълим бериш, уларнинг интеллектуал салоҳиятини юзага чиқаришда дастуруламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 6 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсати амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»-ги Қарори бу борадаги ишлар кўламининг кенгайишида муҳим омил бўлаётди.

«Буюк аждодларга муносиб авлод бўлайлик!» лойиҳасида турли йўналишларда тахсил олаётган ёшлар ўз мутахассислиги бўйича яратилган ян-

гиликлари, инновацион ва ижодий ишланмалари билан иштирок этди. Билим, илганувчан, ташаббускор истеъдод эгаларининг санъат, маданият, фан, техника, иқтисодий, ишлаб чиқариш ва спорт соҳаларидаги фаолияти атрофида таҳлил этилди.

Тадбирда тенгдошларига ибрат бўлаётган, ўз соҳасида қўллаб-қувватланаётган фаол иштирок этаётган бир гуруҳ ёшлар муносиб рағбатлантирилди.

Президентимизнинг биз ҳеч қандам кам бўлмаганимиз ва ҳеч қандам кам бўлмаймиз, деган сўзлари бизга доимо гайрат-шижоат бағишлайди, – дейди Абу Райхон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университети талабаси Сирожиддин Насриддинов. – Ушбу лойиҳада «Икки ёқлама шаффоф қўл телефонни ишлаб чиқариш» номидаги ишланма билан иштирок этиб, муваффақият қозонганимдан мамнунман. Бу каби лойиҳалар биз, ёшларни ўз салоҳиятимизни намойиш этишимиз ва янада юқори марраларни кўлга киритишимизда кенг имкониятлар яратади.

Барно МЕЛИКУЛОВА,
ЎЗА мухбири
Аъло Абдуллаев олган сурат

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИ СЕССИЯСИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

Тошкент шаҳар ҳоқими қарорига мувофиқ 2015 йил 27 апрель куни соат 15.00 да Тошкент шаҳар ҳоқимлигининг катта мажлислар залида халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг бешинчи сессияси ўтказилади.

Сессия кун тартибига қуйидаги масалалар киритилмоқда:
– Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2015 йил 18 мартдаги ҚҚ-8-III-сонли «Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг 2015 йил 22 январдаги Олий Мажлис Сенатининг биринчи мажлисида сўзлаган нутқида ҳамда 2015 йил 23 январда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги, шунингдек, 2015 йил 16 январда Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якуналари ва 2015 йилги иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор вазифаларига бағишланган мажлисидаги маърузаларида белгилаб берилган вазифалар тўғрисида»-ги қароридан келиб чиқадиган вазифалар ҳақида;

– Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг маҳаллий ҳоқимият вакиллик органлари фаолиятини кучайтиришга қўмақлашувчи комиссиясига ёрдам берувчи халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши ишчи гуруҳининг таркибини ҳамда ишчи гуруҳининг 2015 йилга мўлжалланган иш режасини тасдиқлаш тўғрисида;

– Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши ва доимий комиссияларининг 2015 йилга мўлжалланган иш режасини тасдиқлаш тўғрисида;

– «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг ижроси юзасидан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида;

– «Маҳаллий давлат ҳоқимияти тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг ижроси юзасидан туманни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ҳамда иқтисодий-иқтисодий ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш юзасидан устувор вазифаларни амалга ошириш бўйича Сергели, Шайхонтоҳур ва Юнусобод туманлари ҳоқимликларининг фаолиятлари тўғрисида;

– Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2014 йил 13 ноябрдаги «2015 йилда иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги қарорининг ижроси тўғрисида ва бошқа масалалар.

Тошкент шаҳрида 22-23 апрель кунлари «Фуқароларнинг муносиб меҳнат шароитларига бўлган ҳуқуқлари кафолатларини таъминлашда касабани уюшмаларининг роли: Ўзбекистон тажрибаси» мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди.

МУНОСИБ МЕҲНАТ ШАРОИТЛАРИ КУЧЛИ ИЖТИМОЙ СИЁСАТ САМАРАСИДИР

Конференция Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши томонидан бир қатор ҳамкор ташкилотлар ҳамда БМТ Тараққиёт дастурининг мамлакатимиздаги ваколатхонаси ва Халқаро меҳнат ташкилоти ҳамкорлигида ташкил этилди. Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, қатор вазирлик ва идоралар, нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари, Хитой, Германия, Франция, Дания, Россия, Литва, Молдова ва бошқа давлатлардан халқаро экспертлар иштирок этди.

Ушбу халқаро конференция фуқароларнинг муносиб меҳнат шароитларига бўлган ҳуқуқларини таъминлаш бўйича тажриба алмашиш ҳамда бу борадаги ижтимоий ҳамкорликни янада ривожлантириш мақсадида ташкил этилди.

Анжуманда Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган кучли ижтимоий сиёсатнинг фуқаролар учун муносиб меҳнат шароитлари яратиш ва ижтимоий ҳимоя тизимини ривожлантиришда муҳим омил бўлаётгани, Ўзбекистон касабани уюшмалари томонидан ходимлар ҳамда улар оила аъзоларининг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ва меҳнат ҳуқуқларини ҳимоялаш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар, меҳнат муҳофазаси борасидаги тизимли ишлар алоҳида қайд этилди.

Таъкидланганидек, Ўзбекистонда меҳнат қончилиги ва фуқароларнинг муносиб меҳнат шароитларига бўлган ҳуқуқлари меҳнат соҳасидаги халқаро стандартларга тўла мос бўлиб, қўллаб-қувватланаётган улардан устунликка ҳам эгадир. Хусусан, фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқлари ва меҳнатга муносиб ҳақ тўлаш ҳуқуқлари таъминланган. Қорхона, ташкилот ва муассасаларда касабани уюшма кўмиталари ва иш берувчилар ўртасида имзоланаётган жамоа шартно-

малари орқали бандликка қўмақлашиш, ташкил этилаётган янги иш ўринларида қўлай ва хавфсиз меҳнат шароитларини яратиш, ходимларнинг муносиб меҳнат шароитларига бўлган ҳуқуқларини таъминлаш, қўшимча имтиёз ва кафолатлар бериш, касбга қайта тайёрлаш йўналишларидаги ишлар амалга оширилмоқда.

Халқаро ташкилотлар вакиллари Ўзбекистонда давлат, касабани уюшмалари ва иш берувчилар ўртасида йўлга қўйилган конструктив ижтимоий мулоқотнинг турли соҳаларда меҳнат қилаётган ходимлар ижтимоий ҳимоясини кучайтиришга хизмат қилаётганини алоҳида эътироф этди. Ўзбекистонда меҳнат соҳасида жамоатчилик назоратини амалга ошириш борасида бой тажриба тўплангани, касабани уюшмалари ходимларнинг муносиб меҳнат шароитларига бўлган ҳуқуқлари кафолатларини таъминлаш бўйича кенг ҳуқуқ берилганлиги ва бунинг самараси қайд этилди.

Тадбирда Ўзбекистон ҳукумати, Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши ва Савдо-саноат палатаси ўртасида тузилган Бош келишувнинг юксак самаралари хусусида батафсил фикр алмашилди. Мазкур келишув орқали ходимларнинг турли тоифалари учун муносиб меҳнат шароитлари яратилишини таъминловчи комплекс чора-тадбирлар амалга оширилаётгани алоҳида таъкидланди. Тармоқ ва ҳудудий келишувлар, қорхона, ташкилот ва муассасаларда қабул қилинган жамоа шартномаларида ходимлар, жумладан, ёшлар бандлигини уларнинг малака ва ихтисосига мувофиқ таъминлаш, меҳнат бозорида рақобат қила олмайдиган инсонларни ишга жойлаштириш учун қорхона ва ташкилотларда қўшимча иш ўринлари яратиш, ходимлар малакасини ошириш учун қайта ўқитишни ташкил этиш каби масалалар кўзда тутилган.

(Давоми 2-бетда)

XXI *сағоси*
АСР
Барча манбалардан олинган сунтин кабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

• Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун ўтказилаётган «Ташаббус – 2015» кўрик-танловининг Бухоро тумани босқичи бўлиб ўтди. Йил якуналарига кўра юқори натижага эришган, ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва хўжалик юртишнинг бошқа соҳаларида ташаббус кўрсатган, ички ва ташқи бозорда ўз ўрнини топаётган тадбиркор, фермер ва хунармандларни аниқлаш ҳамда рағбатлантириш мақсадида ташкил этилган танловда қирққа яқин кичик бизнес вакили иштирок этди.

• Андижонда «Фуқаролик жамияти институтлари ривожланишининг миқдор ва сифат ўзгаришлари» андижон вилояти мисолида мавзусида анжуман бўлиб ўтди. Унда Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Андижон вилояти ҳудудий бўлимининг йиллик фаолияти таҳлил қилинди.

• Самарқандда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан «Ватанпарварлик юрт тараққиёти учун хизмат қилишди» лойиҳаси доирасида тарғибот тадбири ташкил этилди. Унда таълим муассасалари, давлат бошқаруви органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар, фуқаролик жамияти институтлари, қорхона ва ташкилотларнинг масъул ходимлари иштирок этди.

• Нукусда ўтказилган «Менинг бизнес гоям» танловининг Қорақалпоғистон Республикаси босқичида 120 нафар ўғил-қиз ўз гояларини тақдим этди. Ғолиблар танловнинг мамлакат босқичида иштирок этади.

• Бухорода Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича кўмита, Республика Маънавият тарғибот маркази, вилоят ҳоқимлиги ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ёшларни соғлом эътиқод, ватанпарварлик ва бағрикенглик руҳида тарбиялаш, турли бузғунчи гоялар таъсиридан ҳимоя қилиш масалаларига бағишланган илмий-амалий семинар ташкил этилди.

ЖАҲОНДА

• Жанубий Корея қирғоқлари атрофида сувга ғарқ бўлган «Севоль» улкан паромини денгиз тубидан кўтариб олиш ишларида Кореянинг иккита ҳамда АҚШ, Голландия, Швейцария ҳамда Хитойнинг бешта йирик компаниялари иштирок этишига келишиб олинди.

• Ватикан Рим Папаси Францискнинг сентябрь ойида Кубага ташриф буюришни режалаштирганини тасдиқлади.

• Ҳиндистоннинг Бихар штатининг учта районидан рўй берган кучли бўрон натижасида 32 киши ҳаётдан кўз юмди, 80 дан ортиқ одам тан жароҳатларини олди.

• АҚШнинг Индиана штатидаги мактаблардан бирида ўқувчилар томонидан қўйилган саҳна асари намойиш этилаётган пайтда саҳнанинг кулаб тушини натижасида камида ўн икки киши турли даражадаги тан жароҳати олди. Залдаги томошабинлар дастлаб ушбу бахтсиз ҳодисани спектаклнинг элементларидан бири сифатида баҳоладилар. Сўнг жабрланганларни қутқаришни бошладилар.

Пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек тумани ҳокимлигида бир гуруҳ уруш ва меҳнат фронти фахрийларига «Иккинчи жаҳон урушидаги Галабанинг 70 йиллиги» эсдалик юбилей медалини топшириш маросими бўлиб ўтди.

Жасорат, бурч, матонат

ЭЪЗОЗ ВА ЭҲТИРОМ ОҒУШИДА

Мамлакатимизда кексаларни эъзозлаш, уларнинг бой ҳаётий тажрибасидан ёшлар тарбиясида оқилона фойдаланиш, нурунийларни тиббий ва ижтимоий муҳофазалаш, улар учун муносиб турмуш шароитини яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хотира ва қадрлаш кўни муносабати билан Иккинчи жаҳон уруши ва фронт ортида хизмат қилган фахрийларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳолидан хабар олиш эзгу анъананага айланган.

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2015 йил 6 мартдаги «1941-1945 йиллардаги уруш қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида»ги Фармони ушбу юксак эҳтиромнинг амалдаги яна бир намунаси бўлди. Мазкур фармонда 9 май – Хотира ва қадрлаш кўни умумхалқ байрами муносабати билан уруш қатнашчилари ва ногиронларини моддий рағбатлантириш, шунингдек, Ватанимиз озод-

лиги ва шаъну шарафи ҳимоячиларига бағишланган махсус учрашувлар, маърифий-баддий кечалар ўтказиш вазифаси белгиланган.

Айни кунларда юртимизнинг барча ҳудудларида бўлганидек, Мирзо Улуғбек туманида ҳам мазкур байрам муносабати билан турли тадбирлар ўтказилмоқда. Жумладан, таълим муассасалари ва маҳаллаларда икки авлод учрашувлари, маънавий-маърифий тадбирлар ташкил этилмоқда. Ёлғиз кексалар, ногиронларга давлат ва жамоат ташкилотлари томонидан эсдалик совғалари топширилмоқда. Бу ишларда «Нуруний», «Маҳалла» жамғармалари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва бошқа жамоат ташкилотларининг ҳиссаси катта бўлаётди.

Туманимизда бугунги кунда бир юз саксон нафар Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси ва фронт ортида хизмат қилган фахрий умргузаронлик қилмоқда, – дейди «Нуруний» жамғармаси туман бўли-

ми раҳбари Исмоил Алимов. – Уларнинг саломатлигини асраш, тиббий-ижтимоий муҳофазалаш, ёшлар тарбиясига йўналтирилган тадбирларда фаол иштирокини таъминлашга доимий эътибор қаратилмоқда. Хотира ва қадрлаш кўни байрами арафасида бу борадаги ишлар янада кенгаймоқда. Уруш фахрийларининг юртимиз тинчлиги йўлида кўрсатган жасоратлари ҳамда узоқ йиллик меҳнат фаолиятига бағишланган учрашув ва суҳбатлар ташкил этилмоқда.

Урушдан кейин мактабда ўқитувчилик қилдим, – дейди Алишер Навоий номидаги маҳаллада яшовчи Маҳмуд ота Жабборов. – Юртимизда амалга оширилаётган ислохотлардан, янгиланишлардан четда тургим келмайди. Замонавий андозалар даражасида барпо этилган мактаб ва коллежларга бориб, таълим жараёнини кузатаман, ўқувчилар билан суҳбатлашаман. Уларни бугунги имкониятлар, шарт-шароитлардан самарали фойдаланишга даъват этаман. Ёшлари эъзозланган, кексалари қадрланган шундай жаннатмонанд юрtdа яшашдан ортқ баят борми?! Ушбу дорилмомон кунларга етказганига минг шукр.

Байрамона безатилган дастурхон атрофида фахрийларимизнинг суҳбати янада қизиқди. Нурунийларимиз кундан-кунга чирой очиб бораётган юртимизга янада раванк, ёшларимизга камол тилаб, дуога қўл очди.

Б.ХИДИРОВА,
ЎЗА мухбири

МУНОСИБ МЕҲНАТ ШАРОИТЛАРИ КУЧЛИ ИЖТМОИЙ СИЁСАТ САМАРАСИДИР

(Давоми. Боши 1-бетда)

Бугунги кунда мамлакатда ходимлар меҳнатидан фойдаланувчи юридик шахсларнинг 96 фоиздан зиёди жамоа-шартномавий муносабатлар билан қамраб олингани янада аҳамиятлидир. Иш бевувилар ва касоба уюшмалари ўртасида йўлга қўйилган бундай ижтимоий мулоқот нафақат ходимлар, балки улар оила аъзоларининг ижтимоий муҳофазасини таъминлаш, саломатликларини мустаҳкамлаш имкониятларини янада кенгайтирмоқда.

Ўзбекистонда ҳукумат, Касаба уюшмалари федерацияси ва иш бевувилар бирлашмаси ўртасида бош келишув имзолангани ва унинг самарали амалга ошириб келинаётгани муҳим ижтимоий аҳамиятга эгадир, – деди Халқаро касоба уюшмалари Конфедерацияси Бош қотибининг биринчи ўринбосари Яап Винен. – Бу мамлакатда ижтимоий мулоқотнинг ривожланиб бораётгани ва муносиб меҳнат таъминлиги эътиборининг юқори эканлигидан далолатдир. Ўзбекистонда меҳнат соҳасидаги халқаро стандартларни кенг жорий этиш борасида катта ишлар қилинаётганига гувоҳ бўлялмиш. Очиқ мулоқот тарзида ўтган мазкур анжуманда халқаро ҳамжамиятнинг мамлакатингиз билан ҳамкорликка қизиқиши юқори экани намойён бўлди.

Бугунги кунда мамлакатингизда ХМТ билан ҳамкорликда Муносиб меҳнат дастури изчил жорий этилаётди, – деди Халқаро меҳнат ташкилоти вакили Сергеюс Гловацкас. – Ўзбекистонда касоба уюшмалари фаолиятини жадал ривожлантириш борасида қўлга киритилаётган муваффақиятлар бошқа мамлакатлар учун ўрнак бўла олади. Бу каби халқаро конференцияларнинг мунтазам ташкил этилаётгани, унга нуфузли халқаро ташкилотлардан вакиллар, хорижий экспертларнинг тақлиф этилаётгани мамлакатингизда фуқаролар меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, улар учун муносиб меҳнат шароитлари яратиш борасидаги кенг қўламли ишларнинг ёрқин ифодасидир. Ўзбекистонда ходимларга муносиб меҳнат шароитлари яратиш борасида олиб борилаётган ишлар таҳсинга лойиқ.

Анжуманда Ўзбекистоннинг меҳнат соҳасидаги ҳолатини, меҳнат муносабатлари йўналишида амалга оширилаётган чора-тадбирлар, бу жараёнда касоба уюшмаларининг муҳим ўрин тутаяётгани алоҳида қайд этилди. Хусусан, фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқлари ва меҳнатга муносиб ҳақ тўлаш ҳуқуқлари тўла таъминланган бўлиб, касоба уюшмалари ижтимоий шериклик асосида бандликни таъминлашга кўмаклашиш, жамоа шартномалари орқали ходимлар учун муносиб меҳнат шароитлари, қўшимча имтиёз ва кафолатлар яратиш борасида самарали натижаларга эришмоқда. Бу жараёнда жамоа-шартномавий муносабатларнинг тобора ривож топиб бораётгани муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ушбу халқаро конференцияда иштирок этиш орқали фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқларини таъминлаш борасида Ўзбекистон тажрибаси ва бу соҳада эришилаётган ютуқлар билан яқиндан танишганидан мамнунман, боиси бу биз учун жуда муҳим, – деди Франция Меҳнат умумконфедерацияси департаменти директори Пьер Кутса. – Ўзбекистонда меҳнат ҳуқуқлари соҳасида яратилган миллий қонунчилик аҳоли бандлигини ҳамда муносиб меҳнат шароитларини таъминлаш бўйича ислохотларнинг изчил амалга оширилишида муҳим ва ишончли асос бўлиб хизмат қилаётди. Айниқса, мамлакатингизда касоба уюшмаларининг иш жойларида меҳнат хавфсизлигини таъминлаш, ходимлар ижтимоий ҳимоясини кучайтириш борасида олиб бораётган ишлари диққатга сазовордир. Глобал молиявий-иқтисодий инқироз шароитида кўпчилик хорижий мамлакатларда ривожланиш суръатларининг кескин пасайиши, ишсизлар сони ортиши кузатилаётган бир пайтда Ўзбекистонда иқтисодий барқарор суръатлар билан ривожланаётгани, ижтимоий соҳани жадал суръатлар билан ривожлантиришда диққатга сазовор натижаларга эришилаётганини алоҳида таъкидлаш зарур.

Конференция иштирокчилари мамлакатимизда фуқароларнинг муносиб меҳнат шароитларига бўлган ҳуқуқларини таъминлаш бўйича тўплаган тажрибани, касоба уюшмаларининг бу борадаги фаолияти самарадорлигини юқори баҳолади. Хусусан, глобал молиявий-иқтисодий инқироз шароитида иш кучига бўлган талабни рағбатлантириш, ижтимоий ҳимоя тизимларини кенгайтириш, ижтимоий мулоқот олиб бориш ва ходимларнинг меҳнат ҳуқуқларини таъминлаш бўйича Ўзбекистонда катта муваффақиятларга эришилаётгани эътироф этилди.

Тадбирда фуқароларнинг муносиб меҳнат шароитларига бўлган ҳуқуқларининг таъминлигини бўйича Ўзбекистон тажрибаси, касоба уюшмаларининг бу борадаги ишларини янада такомиллаштириш, соҳада жамоат назоратини кучайтиришга оид масалалар муҳокама қилиниб, тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди. Ушбу тавсияларнинг касоба уюшмалари ва мазкур йўналишда иш олиб борувчи ташкилотлар билан ҳамкорликда амалга оширилишига келишиб олинди.

ИРОДА УМАРОВА,
ЎЗА мухбири



Ўзбекистон Бадий академияси томонидан анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган Тасвирий ва амалий санъат ҳафталиги юртимизда расомлик санъати соҳасида қўлга киритилган ютуқ ва марраларни кенг намойиш этиш имконини бермоқда. Шу билан бирга, мазкур ижодий лойиҳа давомида бадий таълимни сифат ва мазмун жиҳатдан янада такомиллаштириш истиқболлари белгилаб олинди. Ёш, изланувчан мўйқалам сохибларининг ижодий фаолияти атрофлича таҳлил этилиб, уларга зарур маслаҳатлар берилади.

Отабек Мирсоатов олган сурат

ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ИШЛАРИ РИВОЖЛАНАДИ

Тошкент Тўқимачилик ва ёнги санъат институтида катта илмий ходим изланувчиларнинг анъанавий илмий-амалий семинари ўтказилди. Унда олий таълим муассасаси профессор-ўқитувчилари, мустақил тадқиқотчилар, магистрантлар ҳамда иқтидорли талабалар иштирок этди.

— Айни пайтда «Табийи тоналари дастлабки ишлаш технологияси» кафедраси профессори, техника фанлари доктори Ҳамидулла Турсунов илмий раҳбарлигида «Пахта хомашёсини тозалаш техникаси ва технологиялари» мавзусида олиб борган илмий тадқиқот ишимни низолаб қолди, – дейди институтнинг 2-босқич катта илмий ходим изланувчиси Шерқул Ҳакимов. — Илмий изланишларим давомида яратилган «Тозалагичларда пахта хомашёсини аррали цинлиндру юзасидан олиш ва йўналтириш учун барабан» ихтироим учун ўтган йилнинг 8 сентябрида FAP № 20120074 рақамли Давлат патентини олишга муваффақ бўлдим. Ушбу ус-

куна ихтисослашган корхоналарда чигитли пахтани сифатли тозалашда самара беради. Семинарда электр ўйказувчан ва антастатик махсус пўлбазали лойиҳалаш ва ишлаб чиқаришнинг ахборот услубий таъминот тизимларини баҳолаш, чарм буюмларини конструкциялаш технологиялари масалаларига бағишланган маърузалар тингланди. Илмий тадқиқот ишларининг самарадорлигини янада ошириш, улар учун зарур моддий-техникавий базани изчил такомиллаштириш юзасидан фикр алмашилди.

ДИЛШОД РЎЗИКУЛОВ,
ЎЗДЖТУ талабаси

ЭКОЛОГИК МАДАНИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙЎЛИДА

ЮНЕСКОнинг пойтахтимиздаги ваколатхонасида Журналистларни қайта тайёрлаш маркази билан ҳамкорликда «Барқарор тараққиёт мақсадида экологик журналистика» мавзусида семинар-тренинг ташкил этилди.

Тадбир қатнашчиларнинг экожурналистиканинг барқарор тараққиёт борасидаги билимларини оширишга йўналтирилди. Зеро, Ўзбекистондаги экологик муаммоларни кўра оладиган ва уларни ҳал этишга ўз ҳиссасини қўшадиغان журналистларни тайёрлаш бугунги куннинг долзарб масаласи ҳисобланади.

Икки кунлик семинар-тренинг тажрибали тренерлар томонидан интер-

фаол усулда ташкил этилиб, жаҳонда ҳамда республикамиздаги мавжуд экологик муаммолар ва уларни ёритишга қаратилган мавзуларга бағишланди. Асосий масала экологик муаммолар ва уларни ёритишда қўл келадиган услублар ҳамда муаммоларга ёндашувга қаратилди.

Аҳолининг экологик ҳаётидаги ролини оширишда ОАВнинг ўрни бекиёслиги анжуман иштирокчи-

лари томонидан таъкидланди. Ёшлар орасида экологик маданиятни шакллантириш, жамиятнинг атроф-муҳитга бўлган муносабатини ихобий томонга ўзгартиришда журналистларнинг меҳнати каттадир.

Шунингдек, тадбирда ОАВда экологик мавзуда эълон қилинаётган материаллар аҳамиятини юқори эканлиги ва бу соҳадаги саъй-ҳаракатлар ҳақида сўз борди. Соҳага энди кириб келаётган ёш журналистларни экологик муаммолар ечимини масалаларига жалб қилиш, уларнинг бу борадаги ижтимоий фаоллигини ошириш кераклиги қайд этилди.

Абдулазиз МУСАЕВ

Юнусобод туман ҳокимлигида «Менинг бизнес ғоям» танловининг туман босқичи бўлиб ўтди.

Танловлар

ЁШЛАР ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНМОҚДА

«Камолот» ЕИҲ туман Кенгаши ва бошқа бир қанча мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда ўтказилган тадбирда тумандаги 12 та академик лицей ва касб-хунар коллежларининг 700 нафар учинчи босқич ўқувчилари қатнашди. Тадбир давомида ўқувчи-ёшлар ўз бизнес режаларини намойиш этдилар.

Ёшларнинг бизнесга бўлган қизиқишларини рўёбга чиқариш, ўқувчилар сонини янада кенгайтириш мақсадида академик лицей ва касб-хунар коллежларида тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилган.

— Бугунги кунда ёшларнинг, хусусан, касб-хунар коллежи битирувчиларининг бандлигини таъминлаш, уларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш, яқка тартибда

меҳнат фаолиятини йўлга қўйиш орқали янги иш ўринлари яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда, – дейди «Камолот» ЕИҲ туман Кенгаши бизнес тренери Акмал Абдуллаев. — Ўқувчи-ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг тадбиркорлик салоҳиятини ошириш, ўз бизнесларини йўлга қўйишларига кўмаклашишда бу каби тадбирларнинг аҳамияти катта. Танлов давомида ўқувчилар тадбиркорликнинг кичик ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, қишлоқ хўжалиги соҳаларида ўз бизнес ғояларини намойиш этдилар. Бизнес режалари бўйича аниқланган 13 нафар голиб танловнинг шаҳар босқичига йўллангани қўлга киритди.

Зиёда РАСУЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида юридик хизмат фаолиятини янада такомиллаштиришга бағишланган илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Унда юридик хизматнинг давлат органларидаги ролини янада ошириш, бошқарувдаги иштирокини кенгайтиришга оид масалалар муҳокама этилди.

Адлия вазирининг ўринбосари А.Усмонов ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида демократик ислохотларни чуқурлаштириш жараёнида барча соҳаларда туб ўзгаришлар рўй берганини таъкидлади. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви соҳасида амалга оширилган чора-тадбирлар қонунийлик ҳамда инсон манфаатлари ҳимоясини таъминлашга хизмат қилаётди.

Қонунлар ижроси, ҳуқуқни қўллаш амалиётининг самарадорлиги давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан тайёрланадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг сифати билан бевосита боғлиқ. Бунда ҳар бир ташкилотнинг юридик хизмати зиммасига катта масъулият юкланади.

Шу боис ҳам юртимизда юридик хизмат сифатини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу йўналишдаги норматив-ҳуқуқий база

ЮРИДИК ХИЗМАТ ТИЗИМИ ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

тўлиқ янгиланиб, юридик хизмат мақомини белгилашга қаратилган ҳукумат қарорлари қабул қилинган. Адлия органлари томонидан мазкур соҳага услубий ёрдам кўрсатиш, уни ривожлантириш мақсадида ўнлаб идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилиши билан бирга, амалий тадбирлар мунтазам ташкил этилмоқда. Бундан ташқари, Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристар малакасини ошириш марказида юридик хизмат ходимлари малакаси ошириб борилмоқда. Жорий йилнинг ўтган даврида 160 нафардан зиёд ходимнинг малакаси оширилгани бунинг тасдиғидир.

Мамлакатимизда давлат ҳокимияти ва бошқарувининг барча соҳаларини етуқ мутахассислар билан таъминлаш масаласига устувор вазифа сифатида қаралмоқда. Хусусан, ҳуқуқшуносликка ихтисослашган олий таълим муассасаларида юрист-консультантларни тайёрлаш билан боғлиқ бир қатор фанлар, шу жумладан, юридик хизмат ва қонунчилик техникасини ўқитиш жорий этилди.

Тадбирда қайд этилганидек, бугунги кунда давлат органларида уч мингдан ортқ юридик хизмат ходими штат бирлиги ташкил этилган бўлиб, уларда малакали ҳуқуқшунос-мутахассислар фаолият кўрсатмоқда.

Н.АБДУРАИМОВА,
ЎЗА мухбири

ҲАФТАЛИК ТЕЛЕДАСТУРЛАР

Ўзбекистон
 5.55 Кўрсатувлар дастури.
 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
 7.00 «Кўшлар олами». Х/ф.
 7.25 Миллий сериал: «Калдирғочлар яна қайтади».
 8.00 «Тахилнома».
 8.40 «Тинч океани». Х/ф.
 9.30 «Рухшунос». Т/с.
 10.10 «Иқлим».
 10.20 «Ватанпарвар».
 11.00 «Ахборот».
 11.10 «Муқаддас ришталар». Т/с.
 11.55 «Иқлим».
 12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
 13.00 «Шаҳар четидаги шифона». Т/с.
 14.00 «Ахборот».
 14.15 «Зиё» студияси: «Эътиқод мустақамлиги йўлида».
 14.45 Миллий сериал: «Имтиҳон».
 15.15 «Ҳаёт». Х/ф.
 15.40 «Кишлоқ ҳаёти».
 16.00 «Билимдон». Интеллектуал танлов.
 17.00 «Ахборот».
 17.10 «Субхатдош».
 17.20 «Корачик».
 17.40 «Агроолам».
 18.00 «Кўнгил қўшиқ истади».
 18.05 Миллий сериал: «Туташ тақдирлар».
 18.50 «Иқлим».
 19.05 «Имоният».
 19.25, 20.00, 20.55 Эълонлар.
 19.30 «Ахборот»/рус/.
 20.05 «Муқаддас ришталар». Т/с.
 21.00 «Ахборот».
 21.40 «Муносабат».
 22.25 «Кўнгил қўшиқ истади».
 22.30 – 23.15 «Доктор Хаус». Т/с.
 23.15 «Ватанпарвар».
 00.00 Миллий сериал: «Туташ тақдирлар».
 00.40 «Агроолам».
 1.00 «Ахборот»/рус/.
 1.30 Миллий сериал: «Имтиҳон».
 2.00 «Шарк тароналари».
 2.10 «Чашмалар».
 2.25 ТелеТeatр: «Диёнатга хиёнат». 1-қисм.
 3.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
 4.00 «Ахборот».
 4.40 Миллий сериал: «Калдирғочлар яна қайтади».
 5.10 «Наҳш».
 5.35 – 5.55 «Кишлоқ ҳаёти».
 6.00 «Ватан мехри».
 6.10 «Тараннум».
 6.50 «Вельвет галереяси». Т/с.
 7.40 «Ешлик наволари».

8.00 «Хотира саодати».
 8.10 «Изабелла». Т/с.
 9.30 «Юрт келажаги».
 9.50 «UzEX».
 10.00 «Камолот-инфо».
 10.10 «Тақдир эшиги». Б/ф.
 11.30 «Муъжизавий дунё».
 12.00 «Доктор Куинн». Т/с.
 12.50 «UzEX».
 13.00 «Давр».
 13.10 «Ахборот».
 15.10 «Нукстани назар».
 15.50 «UzEX».
 16.00 «Давр».
 16.10 «Килин қирқ ёриб». Т/с.
 17.40 «Соғлом ҳаёт».
 18.00 «Кўгирноқ». Б/ф.
 18.50 «Ардок».
 19.00 «Давр».
 19.30 «Сарой жаҳожири». Т/с.
 20.20 «Ешлик наволари».
 20.40 «Премьера».
 10.25 «Спортимиз маликалари».
 10.55 АНОНС.
 11.00 «SPORT REPORT».
 11.10 Автоматоспорт.
 11.55 Рақамлар, натижалар, рейтинглар.
 12.00 «SPORT-EXPRESS».
 13.00 Баскетбол.
 14.00 ХАБАРЛАР.
 14.15 Футзал. УЕФА Кубоги.
 «Барселона» (Испания) – «Спортинг» (Португалия) – 15.30 Теннис. АТР/ВТА турнири.
 16.30 Интерфутбол.
 18.10 Кўрсатувлар тартиби.

Первый канал
 04.00 Телеканал «Доброе утро»
 07.00 Новости
 07.05 «Поле чудес»
 08.00 Новости
 10.10 Контрольная закупка
 08.35 «Жить здорово!»
 09.35 Модный приговор
 10.30 Фазенда
 11.00 Новости
 11.15 «Сегодня вечером»
 13.25 «Время покажет»
 14.00 Новости
 14.20 «Время покажет». Продолжение
 15.15 «Мужское/Женское»
 16.10 «Наедине со всеми»
 17.00 Вечерние новости
 18.00 «Давай поженимся!»
 19.00 «Пусть говорят»
 10.20 «Время»
 20.30 Т/с «У вас будет ребенок»
 22.20 «Вечерний Ургант»
 22.55 «Познер»
 23.55 Ночные новости
 00.10 Т/с «Страна ОЗ»
 01.10 «Наедине со всеми»
 02.00 Новости
 02.05 «Время покажет»
 02.50 Модный приговор

Россия
 05.00, 09.15 «Утро России».
 09.00, 11.00, 14.00, 17.00, 17.30, 20.00 Вести.
 09.55 Ток-шоу «О самом главном».
 11.35, 14.30, 17.10, 19.35 Местное время. Вести-Москва.
 11.55 Т/с «Тайны следствия».
 12.55 «Особый случай».
 14.50 Вести. Дежурная часть.
 15.00 Т/с «Последний январь».
 16.00 Т/с «Чужая жизнь».
 18.15 «Прямой эфир».
 20.50 «Спокойной ночи, малыши!»
 21.00 Х/ф «Все сокровища мира».
 23.55 Д/ф «Как убивали Югославию. Тень Дайтона».
 00.55 «Скорый Выбор цели».
 02.00 Х/ф «Долгие версты войны».
 03.40 Иван Чернышевский. Загадка полководца.
 05.00 Кофе с молоком
 08.00 Освободители
 09.00, 12.00, 15.00, 18.00 Сегодня
 09.20 Т/с «Возвращение Мухтара»
 11.00, 12.20 Суд присяжных
 13.30 Обзор. Чрезвычайное происшествие
 14.00 Все будет хорошо!
 15.20 Т/с «Улицы разбитых фонарей»
 17.00 Говорим и показываем
 18.40 Т/с «Лесник»
 18.40, 22.30 Т/с «Ментовские войны»
 21.40 Анатомия дня
 23.30 Т/с «Дорогая»
 00.25 Астля, Руссиш!
 01.30 Дикий мир
 02.15 Т/с «Наружное наблюдение»
 5.00 – 6.00 Теннис. АТР/ВТА турнири.

Первый канал
 04.00 Телеканал «Доброе утро»
 07.00 Новости
 07.05 «Пусть говорят»
